



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 1 март, № 45 (8668)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ ЯНА БИР УЛКАН ҚАДАМ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 февраль куни иқтисодий тармоқлари, ижтимоий соҳалар ва маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар билан танишиш, янги объект ва лойиҳаларни ишга тушириш учун Хоразм вилоятига ташриф буюрди.



“VOLTALIA” KOMPANIYASI TOMONIDAN QUVVATI 100 MVT BO'LGAN QUYOSH FOTOELEKTR STANSIYASI QURILISH ISHLARINI BOSHLASH MAROSIMI

Urganch, 2024-yil 29-fevral

GROUND BREAKING CEREMONY FOR CONSTRUCTION OF 100 MW PHOTOVOLTAIC PLANT BY “VOLTALIA” COMPANY

Urganch, 29 February 2024

Давлатимиз раҳбари дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси Амурдарё туманига бориб, янги кўприкнинг очилиш маросимиди иштирок этди.

Бу улкан иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга стратегик иншоотдир. Президентимиз бу ҳақдаги ташаббусни 2020 йил 13 декабрь куни Хоразм вилояти фаоллари билан учрашувда илгари сурган эди. Шундан сўнг пухта лойиҳа ишлаб чиқилиб, катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари унинг қурилишини икки бор келиб кўрди.

29 февраль куни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти фаоллари иштирокида янги кўприкнинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Президент дастлаб поездда ва автомобилда юриб, кўприк сифатини кўздан кечирди. Жамоатчилик иштирокидаги йиғилишда бу лойиҳанинг самарадорлиги, аҳоли ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлади.

— Оролбўйи минтақасини, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш, аввало, экологик инқироз оқибатларини юмшатиб, мураккаб вазиятда яшаётган аҳолимизга қулай шароитлар яратиш мамлакатимиз тараққиёт стратегиясининг бош мақсадларидан биридир. Илгари ҳам айтганимдек, Қорақалпоғистоннинг тақдири — бу Ўзбекистоннинг тақдири, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги — бу бутун Ўзбекистон халқининг бахти ва фаровонлигидир. Бугун мана шу эзгу мақсадни амалга ошириш йўлида яна бир улкан қадам қўймоқдамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Кўприк қурилган жой юртимизнинг энг чекка ҳудудларидан бири. Шу пайтгача одамлар ўтган асрнинг эллигинчи йилларида олиб

келинган эски понтон кўприкдан фойдаланиб келар эди. Хар баҳорда муз эриб, дарёда сув кўпайиши билан у жиддий шикастланарди. Бу дарёнинг икки томонидаги аҳолига жуда кўп қийинчиликлар туғдирарди.

Масалан, Амурдарё тумани аҳолиси автомобилда Нукусга бориш учун Урганч ва Бериуний орқали юришга мажбур эди. Бунинг учун қўшимча 180 километр йўл юришга тўғри келарди. Поездда эса Хоразмнинг шарқий томонидаги Хазорасп кўпригидан ўтиб келинади.

Янги кўприк туфайли бу қийинчиликлар барҳам топади, халқнинг узоғи яқин бўлади. У орқали Қорақалпоғистон билан Хоразмни боғлайдиган энг яқин автомобиль ва темир йўл қатнови йўлга қўйилади.

Кўприкнинг узунлиги 423 метр. У билан бирга Шовот — Қораўзак бекатларини боғлайдиган 85 километрлик темир йўл ҳамда 3 та вокзал ҳам барпо этилди.

Бу иншоот самарасида йўлнинг ўтказиш қобилияти 4 баробарга ошиб, бир кеча-кундузда 12 минг автомобиль ҳаракатланади. Натижада 48 минг йўловчининг 2 соат вақти тежалади ва дарёдан хавфсиз ўтиши таъминланади.

Кўприк икки тарафга қараб 24 жуфт поездни ўтказиш имкониятига эга бўлиб, бу орқали темир йўл масофаси 180 километрга, юк ташиш тезлиги эса 6 соатгача қисқаради. Бу эса маҳаллий юкларни ташиш ҳажмини йилга 2 қарра ошириш, ташиш таннаҳрини 2 баробарга қайтариш имконини беради. Ушбу темир йўл орқали Қозғистон ва Россияга ҳам янги йўналишлар очилади.

Шунингдек, Қораўзак конларидан тош

энди поездларда ташилиши ҳисобига Оролбўйи минтақасидаги 4 миллион аҳоли ва туристларга хизмат кўрсатувчи автомобиль йўллари сифатли сақланади. Бундан ҳам аҳоли, ҳам тадбиркор ва туристлар катта манфаат топади.

— Биз биргаликда бунёд этган бу муҳташам кўприк шунчаки навбатдаги инфратузилма иншооти эмас. Бу кўприк, аввало, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги мустаҳкам ишонч ва дўстлик, оғзибирлик ва ҳамкорлик кўпригидир. Бу йўл жаҳонга очилаётган Янги Ўзбекистон, Янги Қорақалпоғистоннинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидир. Мана шу азим дарёнинг икки соҳилида, шундай ёруғ кунларни орзу қилиб яшаб келаётган минг-минглаб юрдошларимизнинг умидлари рўёбга чиққан тарихий кун барча-мизга муборак бўлсин, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари оғир клим шароитида фидокорона меҳнат қилган моҳир қурувчиларга, лойиҳачи ва муҳандисларга, кўприкни барпо этишга муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга миннатдорлик билдирди. Аҳолига қулайлик яратишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилиши таъкидланди.

Хусусан, бу йил Бухоро — Урганч — Хива, келгуси йилдан Мискин — Нукус темир йўли электрлаштирилади. Натижада Хива ҳамда Нукус шаҳарларига тезкор поездлар қатнови йўлга қўйилади. Ушбу ҳудудлардаги аҳолининг мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига бориб-келиши осонлашади. Бу лойиҳалар ҳисобидан транспорт харажатлари 2 баробар қисқариб, йўловчи ташиш 30 фоизга ошади.

Умуман, бундай йирик лойиҳалар Қорақалпоғистон ва Хоразмнинг иқтисодий салоҳияти ошиши, инвестициялар оқими ва иш

ўринлари кўпайиши, аҳоли даромадлари ўсишига хизмат қилади.

Маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимиз ҳаётидаги ушбу тарихий бир воқеа муносабати билан барчани табриклаб, Оролбўйи ривожига эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев “Хива кластер” масъулияти чекланган жамиятининг тўқимачилик корхонаси фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда хомашёни чуқур қайта ишлаб, қўшилган қиймат яратишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, агросаноатда кластерлар томонидан замонавий корхоналар қурилиб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгаймоқда.

“Хива кластер” ҳам Хива туманида шундай фабрика ташкил этди. Туркия, Германия ва Хитойдан илгор ускуналар келтириб ўрнатилди. Ўтган йил ноябрда ишга туширилган корхонада 500 кишининг бандлиги таъминланди.

Корхона йилга 7 минг тонна калава ип, 4 минг тонна трикотаж мато, 10 миллион дона тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Энг муҳими, уларнинг сифати халқаро стандартларга жавоб беради. Шу боис ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўлиқ экспортга йўналтирилади. Корхонанинг йиллик экспорт салоҳияти 15 миллион доллар атрофида.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди, тикувчи хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

Иқтисодий тармоқларидаги бугунги тенденциядан келиб чиқиб, бу корхонада ҳам энергия тежамкорликка эътибор қаратилган.

Масалан, куз-қиш ойларида хоналар ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқ сув ёрдамида иситилади. Натижада катта миқдордаги табиий газ тежалади. Шунингдек, мажмуа томларига умумий қуввати 60 кВт бўлган қуёш панеллари ҳам ўрнатилган. Буларнинг ҳисобига маҳсулот таннаҳри рақобатчиликларига нисбатан паст бўлмоқда.

Корхонада хорижий ҳамкорлар талабига асосан сифат назорати, касб ўргатиш маркази ташкил этилган. Чиқиндиларни қайта ишлаб, фойдаланиш ҳам йўлга қўйилган.

Тўқимачилик кластери ўтган йили қарийб 20 минг тонна пахта хомашёси етиштирган. Шундан 1 минг 545 гектарда томчилатиб сугориш йўлга қўйилган.

Умуман, кластер томонидан 2018 — 2023 йилларда 105 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилиб, йиллик 50 миллион долларлик экспорт қуввати яратилган. Кластер тизимида жами 800 дан ортиқ йигит-қизлар ишламоқда. Жумладан, ҳозирда бошқа корхоналар билан ҳамкорликда ёғ, совун, туҳум, сут маҳсулотлари, пойабзаллар каби 20 га яқин товарлар ишлаб чиқарилмоқда.

Президентимиз мазкур кластер тизимидида истиқболли режалар билан ҳам танишди. Жумладан, янги лойиҳалар ҳисобига пахта етиштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қўшилган қийматли маҳсулотлар олиш, кичик ҳажмли юк машиналарини маҳаллийлаштириш мўлжалланган. Шунингдек, яқин йилларда чиқиндисиз ишлаб чиқаришга ўтиш режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Ифтихор

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

ЯНГИ ЗАМОН КЎПРИГИ

Қани шоир, замон юкин сен ҳам илдам орқала,
Замонангдан бир қадам ҳам қолма асло орқала.

Кеча-қундуз тиним билмас, зўр шиддат, гулдуроси,
Бедор бўл дер, бедор бўл дер, бедор замон дарёси.

Ўқизларё, Амурдарё, Жайхунларё, жон дарё,
Қадим элга ўзингирсан қадим шараф-шон дарё.

Бир ён Хоразм элино, бир томон — Қорақалпоқ,
Уч минг йиллик манзил гўё у қирғоқ то бу қирғоқ.

Қўш соҳилда сабрлари жарлар каби емрилган,
Асрларким, икки элат бир-бирига термилган.

Ораликда оққан дарё гўё ҳажру фироқдир,
Қошу қўздан яқинроғу, асрларча йироқдир.

Зилдиятга тўлиқ дунё, низоларга — дахри дун,
Ярим дунё бағриқону, ярим дунё — жигархун.

Бизнинг мақсад эзгуликдир, тўлдиргаймиз камини,
Хушмуждалар кўмсин деймиз бутун рўйи заминини.

Ҳар тонг, ҳар он еткизгайдир ҳар бир учган қуш хабар,
Бу тонг саҳар Хоразмдан келди янги хушхабар:

Элнинг орзу-армонлари яна бир бор уйрилмиш,
Амурдарё узра улкан янги кўприк қурилмиш.

Дилимизда, тилимизда фахру гурур, шукрона,
“Ҳайё-хуйт” деб Хоразмга томон бўлди равона.

Ҳали Мўйноқ ҳайратларин сеҳри тарқалмай туриб,
Қаршимиздан бир мўъжиза чиқди озод қад кериб.

Бир кўприкким, андозаси бўлмаган бу арода,
Асрларни, даврларни боғлаган бир маъвода.

Шовот томонлардан келсанг дилда жўшиб гайратлар,
Борлигини чулғаб олар завқу шавқ ва ҳайратлар.

Қадим тупроқ, тугларинг ҳам тугроларинг бор бўлсин,
Султон Увайс тоғларинг ҳам Куброларинг бор бўлсин!

Бериунининг, Хоразмийнинг арвоқлари шундадир,
Огаҳийнинг бедор, огоҳ нигоҳлари шундадир.

Сен ўзингсан булбулларга ҳаво бахш этган диёр,
Махтумқули Фироғийга наво бахш этган диёр.

Ажнийёз боболарнинг худди шеър, лапарлари
Мисол кетар келажакка темир йўл шпаллари.

Қолган гапни майли энди Бердах бобо айтсинлар,
Поезд миниб, Хеволарни бир сайр этиб қайтсинлар.

Асрлардай кечди халқим, нурсиз ою йилларинг,
Аваз Ўтарларинг ўтди, ўтди Ибройимларинг.

Санъатингни бор оламга кўприк этмиш Ўзи ҳақ,
Эй, дунёга Комилжондай ҳофизларни берган халқ,

Ҳали бунга “чугур-чугур” сайёҳларинг келгайлар,
Ярқираган вагонларда саболардай елгайлар.

Икки милён йўловчининг қувончин тасаввур қил,
Тасаввур қил, сўнг бекатда ўлтириб тафаккур қил.

Бир кўприкким, қарвонларинг давронларга қоришгай,
Тўрт милёнли элнинг қўнгли бир офтобдай ёришгай.

Миллат отасининг ноҳос кўзларида балққан ёш,
Бу минг йиллик армон эрур, бу бир асрлик бардош.

Қани шоир, замон юкин сен ҳам илдам орқала,
Замонангдан бир қадам ҳам қолма асло орқала.

Яқинроқдир қошу қўздан ўғил-қизнинг киприги,
Янги замон кўприги бу! Янги замон кўприги!

Ватан иғвогарларига менинг айтар гапим бор:
Бизда мақсад кўприкларин таянчлари устувор.

Ҳурмат учун отдан тушиб, таъзим айлаб кутарди,
Султон Жалолиддин бундан от етаклаб ўтарди.

Қўриб янги биноларин Янги замон меъморин,
Не деб ривоят сўйларди Исомхўжа минори?

Ўйламангким, манзилларга қурилган кўприқдир бу,
Қўнғиллардан қўнғилларга қурилган кўприқдир бу.

Кеча-қундуз тиним билмас зўр шиддат, гулдуроси,
Бедор бўл дер, бедор бўл дер, бедор замон дарёси.

Инсон умри гарчи бир хас, мисоли бир киприқдир,
Бир авлодни минг авлодга боғлагувчи кўприқдир.

Сиз ҳам Замон Меъморидай меъмор бўлинг, элдошлар,
Бедор бўлинг, бедор бўлинг, бедор бўлинг, элдошлар!

26 — 28. 02. 2024 йил

Кўз ўнгинидаги ўзгаришлар

ЭЛЛАРНИ, ДИЛЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН ИНШООТ

Яқин ўтмишда Амурдарёнинг бир қирғоғидан иккинчисига ўтиш маҳаллий аҳоли учун катта муаммо туғдираётган эди. Мустаҳкам асосга эга кўприк йўқ, вақтинчалик сузувчи кўприкдан эса ҳар доим ҳам фойдаланиш имкони бўлавермас эди.

Бунинг устига “омонат” кўприкдан фойдаланиш пайтида бахтсиз ҳодисалар юз бергани ҳам кўп кузатилган. Ана шундай пайтда узогини яқин қилиш учун шошилиш равишда дарёдан ўтишга мажбур бўлган кишининг ҳолатини бир кўз ўнгингизга келтириб кўринг.

Қолаверса, Амурдарё Марказий Осиёдаги 2 та энг узун ва катта дарёлардан бири. Умумий узунлиги 1 415 километр бўлган ушбу азим дарё Сирдарёга нисбатан 4 баробар катталиги билан аҳамиятлидир.

Қалбларда муҳрланган ҳаяжонли онлар

Бугун эса дарёнинг икки қирғоғида истиқомат қилувчи Қорақалпоғистон ва



ҲАР БИР ХОНАДОНГА «ЯШИЛ» ЭНЕРГИЯ КИРИБ БОРАДИ

Юртимизда қуёш ва шамол энергияси салоҳияти электрга бўлган ҳозирги эҳтиёжни 10 — 12 баробар ортиғи билан қоплашга етади. Шундай бўлса-да, бу улкан имконият анча йиллар давомида ишга солинмаган эди. Сўнгги йилларда бу соҳага катта эътибор қаратилиб, ҳуқуқий замин яратилди. “Яшил” энергия манбаларини барпо қилиш бўйича катта дастурлар бошланди. Давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятига ташрифи чоғида Тупроққалъа туманида “Votalia” компанияси томонидан қуввати 100 мегаваттлик қуёш электр станцияси қурилишини бошлаш маросимиди иштирок этгани бу борадаги ишларнинг изчил давом эттирилаётганидан дарак беради.

Президент Шавкат Мирзиёев 28 февраль куни қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказган йиғилишда қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш ва шунга яраша инфратузилмани ривожлантириш бўйича янги режалар муҳокама қилинган эди. Шунга қўра 2024 йилда “яшил” энергия ҳажми 13 миллиард киловатт-соатга, унинг мамлакатимиздаги жами улуши 15 фоизга етади. Қисқа давр учун бу жуда катта кўрсаткич, албатта.



Лекин бу борада ҳали имкониятлар кўп, улар ҳамма ҳудудларда ҳам тўлиқ ишга солинмапти. Шу боис аҳоли ва иқтисодий тармоқлари талабидан келиб чиқиб, келгуси уч йилда 8 гигаваатли 28 та йирик қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилади. 944 километр юқори қучланишли электр тармоқлари ва 6 та йирик подстанция қурилади. Жами 2,2 гигаваат бўлган 18 та электр сақлаш қуввати ўрнатилади.

ҲАР БИР ХОНАДОНГА «ЯШИЛ» ЭНЕРГИЯ КИРИБ БОРАДИ

Маълумки, давлатимиз томонидан охириги уч йилда ҳудудларга биргина куёш ва шамол генерация қувватларини ишга тушириш учун 2 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар жалб қилинди. Натижада Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида умумий қуввати 2,6 гигаватт бўлган 9 та йирик куёш ва шамол электр станцияси тармоққа уланди. Яна бир муҳим жиҳати, бу лойиҳалар Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Франция каби тараққий этган мамлакатлар билан шерикликда амалга оширилаётди.

Давлатимиз раҳбари Тупроққалъада куёш электр станцияси қурилишини бошлаш маросимида таъкидлаганидек, энергетика саноатида барқарорликка эришиш глобал интеграция шариотида ҳар бир давлатнинг стратегик мақсади. Айниқса, қайта тикланувчи генерациялар — замонавий тараққиётга эришиш, иқтисодийётни диверсификация қилишда кучкуват бўладиган асосий драйверлардан бири.

Муқобил энергетикадан унумли фойдаланиш ҳисобига 2030 йилга бориб аҳолиси 40 миллиондан ортадиган янги Ўзбекистон иқтисодиёти учун зарур бўлган энергиянинг 40 фоизини «яшил» энергия ҳисобидан қоплаш мўлжалланмоқда.

Бу борада аҳоли манфаатдорлигини ошириш учун ўтган йили «Куёшли хонадон» дастури бошланди. 14 миллиард сўм имтиёзли ресурслар ажратилди, солиқ имтиёзлари берилди. Шунингдек, эҳтиёждан ортиқча электр давлат томонидан кафолатли харид қилинаётгани хонадонларга қўшимча даромад келтирмоқда.

Хоразм вилоятида ҳам 2 мингдан зиёд хонадонлар ва 855 нафар тadbиркор 15 мегаваттлик куёш панелларини ўрнатиб, улар томонидан эҳтиёждан кўп ишлаб чиқарилган 320 минг киловатт-соат электр энергияси давлат томонидан сотиб олинди.

Эндилликда воҳада куёш фотозлектр станцияси қурилиши бошланаётгани эса аҳолини жуда қувонтирмоқда.

— Биз Президент билан лойиҳаларимизни имкон қадар тезроқ амалга ошириш ҳақида фикрлашиб олдик, — дейди «Voltaia» компанияси бош директори Себастьян Клэр. — Компаниямиз дунёнинг 20 та мамлакати билан ўз лойиҳаларини фаол тарзда амалга ошириб келяпти. Бу Ўзбекистондаги биринчи лойиҳамиз экани тарихий аҳамиятга эга. Таъкидлашим керакки, Ўзбекистон бу борада тез ривожланыпти, яхши кўрсаткичларга эга. Шунинг учун сизлар билан ҳамкорлик қилишдан миннатдоримиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу Хоразмдаги илк шундай йирик лойиҳа бўлади. Унинг натижасида йилга 254 миллион киловатт-соат «яшил» энергия ишлаб чиқарилади. Бу эса Хоразм вилояти йиллик электр энергияси истеъмолининг 11 фоизини қоплайди. Ушбу станцияни йил якунигача тармоққа улаш мўлжалланмоқда.

Бу лойиҳа ишга тушгач Хоразм вилоятида электр энергияси ишлаб чиқариш қуввати 30 фоиз ошиб, 424 мегаваттга етади. Энг муҳими, ушбу лойиҳа орқали 76 миллион метр куб табиий газ тежаллади, атмосферага 106 минг тонна зарарли моддалар чиқишининг олди олинди.

— Тупроққалъа тумани йилга ўртача 135 миллион киловатт-соат электр энергияси истеъмол қилинишини инобатга олсак, барпо этилаётган куёш электр станцияси нафақат мазкур тумани тўлиқ электр билан таъминлайди, балки кўшни туманларга ҳам электр узатиш имкониятини яратди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги бўлим бошлиғи Фитратилла Набиев. — Туманда куёш радиацияси яхши бўлганлиги, чўл ерлар кўплиги боис, бу ерлар лойиҳага танланган. Мен аминманки, Франция компанияси билан ҳамкорлик ўзининг ижобий самарасини беради ва лойиҳа муваффақиятли амалга оширилади.

Яна бир янгилик — бу истиқболли лойиҳа доирасида илк бор агровольтаика тажрибаси жорий этилади. Бу бир майдоннинг ўзида энергия ва қишлоқ хўжалигини бирлаштириш усули бўлиб, куёш панеллари эгаллаб турган ер остида सबзавот ва полиз экинлари етиштириш йўлга қўйилади.

«Халқ сўзи».

САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР – МУАММОЛАР ЕЧИМИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева юртимиз ҳудудларида солиқни сақлаш ва таълим муассасалари, иқтисодий объектлар, маҳаллаларда бўлиб, аҳоли вакиллари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан доимий мулоқотлар ўтказиб келмоқда. Муҳими, ана шундай самимий суҳбатлар асосида жойлардаги муаммоларга ечим топилмоқда.

Сенатор ва ҳаёт

Сенат Раисининг бу галги ташриф манзили — Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов, Зомин ва Дўстлик туманлари ҳамда Жиззах шаҳри бўлди.

Дастлаб Сенат Раиси Шароф Рашидов туманидаги «Жиззах» ЭИЗда ишга туширилган энгил автомобиллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган завод фаолияти билан танишди.

Мазкур завод йилга 100 мингта энгил автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга. Қайд этиш жоизки, лойиҳа доирасида йилга 130 млн. долларлик импорт ўрнини босувчи 314 турдаги автомобиль эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ҳамда 4 мингта иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Кейинги манзил шу тумандаги «Оқтош» МФИда бўнўд этилаётган «Янги Ўзбекистон» массиви бўлди.

Шу ўринда айтиш жоизки, бу каби массивлар барча вилоятда Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги «Янги Ўзбекистон» массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосан бўнўд этилмоқда.

41 гектардан каттароқ ҳудудда 1 300 та хонадонли 19 та кўп қаватли уй, 1680 ўринли умумтаълим мактаби биноси, 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 200 қатновли поликлиника биноси, 12 та болалар майдончаси, автотураргоҳлар қурилмоқда.

Шунингдек, Сенат Раиси туманининг Қанғил маҳалласида истиқомат қилаётган Юлдуз Жаборова хонадонида бўлиб у билан яқиндан суҳбат қилди. Бу аёл маҳалла фаолларининг қўллови

билан олган кредит маблағлари эвазига Жанубий Корея тажрибаси асосидаги иссиқхонада стеллажларда қулпнай етиштириш орқали яхшигина даромад кўрмоқда. Унинг сўзларига кўра йилнинг 8 ойи давомида ана шу усул орқали мунтазам равишда қулпнай етиштириш мумкин. Сенат Раиси ушбу тажрибани маҳалланинг бошқа хонадонларида ҳам жорий қилиш таклифини билдирди.

Шароф Рашидов ҳамда Пахтакор туманлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари билан ўтказилган учрашувда асосий эътибор «Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонида келиб чиқадиган вазифаларга қаратилди.

Мулоқот давомида маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш, бу борада депутатлик сўровлари, маҳаллий давлат бошқаруви органлари ҳисоботларини эшитиш институтларини тўлақонли фойдаланиш каби масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Сенат Раисининг ҳудудларга ташрифи давомида ижтимоий объектлар, хусусан, солиқни сақлаш ҳамда таълим муассасалари фаолияти доимий эътиборда бўлади. Туман марказий шифонасига ташриф чоғида ҳам комплекснинг катталар, болалар, туғруқ бўлимларида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати, беморларга яратилган шaroитлар билан танишилди. Аналиқ бу болалиқни ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлиги борасидаги ишлар таҳлил қилинди.

Шифокорлар билан суҳбат жараёнида мутахассислар малакасини доимий равишда ошириб бориш, касалликлар профилактикаси йўналишида қўлинадиган ишлар бўйича қатор таклифлар билдирилди.

Вилоятнинг Зомин туманида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига қарашли «Мурувват» интернат уйидаги шарт-шaroит ўрганилди.

Бу маскан 47 млрд. сўм эвазига қайта реконструкция қилиниб, шу йилнинг январь ойида тўлиқ фойдаланишга топширилди. Ҳозир интернат уйи бир вақтинч ўзид 350 нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизни ўз бағрига сиғдира олади. Чунки бу ерда 350 ўринли ётоқхона, маъмурий бино, ошхона, кир ювиш ҳамда ёзги павильон биноси тўлиқ реконструкция қилиниб, мукамал таъмирланди.

«Мурувват» интернат уйида Сенат Раиси аёлларга яратилган шaroитлар билан танишиб, шифокорлар ва беморлар билан суҳбатлашди.

Тумандаги ўрганишлар давомида Т. Норбоева «Қайирма» МФИда амалга оширилаётган ишлар ҳолати билан танишди ва «маҳалла еттичилиги» билан суҳбатлашиб, уларнинг олдида қўйилган вазифалар юзасидан фикр алмашди. Хусусан, суҳбат давомида ёшларнинг таълими, уларни касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш масалаларида эътибор қаратилди. Маҳалладаги муаммоларни маҳаллий Кенгашлар муҳокамаларига киритиш юзасидан тавсиялар берилди.

Бундан ташқари, Сенат Раиси фуқаролар йиғини аҳолиси, хотин-қизлар билан суҳбат ўтказиб, маҳаллада аёлларни тadbиркорликка фаол жалб қилиш, оилалар фаровонлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Аёллар бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан фикр билдирилди.

Суҳбат давомида маҳалла хотин-қизлар фаоли Гўлчехра Маҳсудова ҳудуддаги аёлларнинг таъ-

лим ва касбий кўникмалар олиши, муносиб иш топишига ҳар томонлама кўмаклашилаётгани, тadbиркорлиқни қўллаб-қувватлаш мақсадида 12 нафар хотин-қиз касб-ҳунар ва тadbиркорлик йўналишида ўқитилиб, уларга субсидия ва имтиёзли кредитлар олишида ёрдам берилганини айтиб ўтди.

Шундан сўнг Зомин туманида туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами билан танишилди ҳамда туристик зонанинг замонавий туризм инфратўзимласи, меҳмонхоналар ва сайёҳларга яратилган шaroитлар кўздан кечирилди.

Ташриф доирасида Дўстлик туманида ташкил этилган «Микро-саноат ва хизмат кўрсатиш маркази» фаолияти ўрганилди. Бугунги кунда ушбу марказда 10 та тadbиркорлик субъекти 82 та лойиҳани амалга оширмоқда.

Сенат Раиси марказдаги трикотаж фабрикасида фаолият юритаётган хотин-қизлар билан учрашиб, уларга яратилган шaroитлар хусусида фикрлашди. Тadbиркорлик субъектларининг иш фаолиятида дуч келаётган муаммолар билан қизикди.

Ташриф доирасида туманининг «Чинобод» МФИда «маҳалла еттичилиги» иш фаолияти ўрганилди. Хусусан, маҳалла профилактика инспектори билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида хорижда ишлаб юрган меҳнат мигрантлари, муаммолари оилалар ва ёшлар билан ишлаш масалалари муҳокама марказида бўлди. Айни чоғда ҳудудда жойлашган мактабда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида жорий этилган «ватанпарвар лидерлар» фаолиятига эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, ташриф чоғида хотин-қизлар фаоллари билан аёллар тadbиркорлигини йўлга қўйиш, уларни касб-ҳунарча ўқитиш ҳамда бандлигини таъминлаш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Бугун дунё миқёсида ахборот технологияларининг жadal суръатида ривожланиши ҳар бир тармоқ

ва соҳага ўз таъсирини кўрсатмай қолмаяпти. Аҳамиятлиси, ахборот технологиялари спорт оламига ҳам кириб келиб, соҳанинг янги турлари пайдо бўлишига олиб келаётди. Хусусан, бугун республика мида киберспорт турлари кун сайин ривожланиб бормоқда.

Сенат Раиси ўтган йили Жиззах вилоятига амалга оширган ташрифи чоғида ёш киберспортчилар билан суҳбатлашиб, уларга яратиб берилган шарт-шaroитларни кўздан кечирган эди. Т. Норбоева бу галги ташрифида ҳам киберспорт ривожига ва яратилаётган янги имкониятлар билан қизикди.

Хусусан, Жиззах шаҳридаги «Jizzak cyber sport» беш ташаббус аренаси бугун ёшларнинг дунёқарашига мос равишда замонавий спорт турлари билан банд бўлишини таъминлаб, жаҳон миқёсида юқори натижаларни кўлга киритишлари учун чинакам имкониятлар маркази бўлиб хизмат қилмоқда.

Киберarena 1000 ўринли муСОбака зали, 12 та ўқув хонаси, 1 та мажлис зал, 20 ўринли кафе ва 32 ўринли ётоқхонага эга бўлиб энг сўнгги рўсумдаги ахборот воситалари билан жиҳозланган.

Ўз навбатида, Сенат Раиси, Ўзбекистон велоспорт федерацияси раиси Т. Норбоева Жиззах олимпия заҳиралари коллежида велоспортчилар билан учрашди. Шу ернинг ўзид ылоят велоспорт федерациясига «Дамас» автомашинаси ҳамда спортқўлларга 10 та махсус велосипед учун сертификат топширилди.

Бугунги кунда вилоятда давлат тиббиёт муассасалари катори хусусий сектор ҳам ривожланмоқда. Сенат Раиси Жиззахдаги катта имкониятларга эга «Райхон-Шахзода» хусусий клиникасида бўлиб, шарт-шaroитлар, унинг имкониятлари билан танишиб ҳамда шифокорлар ва беморлар билан мулоқот ўтказди.

«Халқ сўзи».

Депутатлар — ҳудудларда

Устувор вазифалар ижроси ўрганилмоқда

Макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ривожланишни таъминлаш, инвестиция ва экспорт ҳажминини ошириш, саноат, қурилиш, транспорт, экология ҳамда ижтимоий соҳаларда 2024 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар Президентимиз раислигида ўтказилган йиғилишларда белгилаб берилган эди.

Шундан келиб чиқиб, айни шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат ишчи гуруҳлар ҳудудларда бўлиб, мазкур вазифалар ижросига оид ишлар ҳолатини ўрганилмоқда.

Ҳамкорликда янги иш ўринлари яратилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Зукра Ибрагимова бошчилигидаги ишчи гуруҳи аъзолари дастлаб Ўлғейр шаҳридаги мебоғсозлик кластери фаолияти билан яқиндан танишди. Ушбу корхонада 110 та иш ўрни яратилган бўлиб, бугунги кунда Европа стандартларига мос келувчи 60 турдан кўп мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Улар нафақат ички бозорга, балки қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинапти. Биргина Тожикистон давлатига жорий йилнинг ўтган даврида 200 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинган. Шундан сўнг ишчи гуруҳ аъзолари генераторлар, электр чойнақлар, плиталар ва вентиляторлар ишлаб чиқаришга их-

Мутасаддиларга таклиф ва тавсиялар берилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Хайрулло Ғафоров бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари Андижон вилоятида бўлиб, қурилиш бунёдкорлик, янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганилмоқда.

Дастлаб депутатлар «Янги Андижон» шаҳрини барпо этиш ишлари билан танишди. Мазкур шаҳарни босқичма-босқич комплекс қуриш учун 4 минг гектар ер майдони ажратилган. Лойиҳа натижасида 440 минг аҳоли учун тураржой, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, кичик саноат ва яшил ҳудудларини барпо этиш кўзда тутилган.

Депутатлар томонидан лойиҳа доирасида ичимлик суви ва канализация,

Қурилиш ишларида сифат бирламчи бўлиши шарт

Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Равшан Мамутов бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари ўрганишлари Бухоро вилоятидан бошлади.

Дастлабки манзил — Қоровулбозор тумани бўлди. Бу ерда депутатлар туман ҳокими билан биргаликда Бўзачи маҳалласи ҳудудида жойлашган «Бухоро Агро-кластер Чорва» МЖЧ фаолияти билан танишди.

Мазкур чорвачилик мажмуасида сўт ва гўшт йўналишида 3 минг бош қорамол боқилмоқда. Шундан 1 минг боши «Голштейн», «Симментал» ва «Свисс» зотли соғин сиғирлардир. Наслчилик селекция ишларини кенг қўламда ташкил этиш мақсадида ҳозир бу ерда «Ангус» ва Бельгиянинг зотли қорамоллари ҳам парвариланаётди.

Шунингдек, мажмуада интенсив гидророника усулда яшил озуқа етиштириш ҳам йўлга қўйилган. Чорва молларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 400 гектар озуқа экин ер майдони ажратилган.

Ўрганишлар давомида депутатлар туманда олиб борилаётган бунёдкорлик, қурилиш ишлари билан ҳам яқиндан танишди.

Айни чоғда туман марказидаги Чўлқувар маҳалласи ҳудудида 5 қаватли 160 хонадонли кўп қаватли уйлар қурилмоқда. Жо-

«Халқ сўзи».

ЁШ АВЛОДНИ ЗАРАРЛИ ИЛЛАТЛАР ТАЪСИРИДАН АСРАЙЛИК

Гиёҳвандлик — оқибати фожияли бўлган, инсон умрини емирадиган, саломатлигига пўтур етказадиган иллат. Аср вабосига айланган бу иллат домига, айниқса, навқирон авлод вакиллари тушиб қолаётгани таассуфлидир.

Мушоҳада

Бугунги кунда ёшлар орасида анъанавий гиёҳвандлик моддаларидан воз кечиб, айниқса, психотроп ва кучли таъсир этувчи моддалар, масалан, «трамадол» ва янги пайдо бўлган «тропикамид» дориларини истеъмол қилиш ҳолатлари кўпаймоқда. Бу эса жамоат саломатлиги нўқтани назаридан дунё муаммосига айланган.

ЖССТнинг маълумотларига кўра 2020 йил якунида дунё бўйича 275 миллион одам психотроп моддалар қабул қилиши аниқланган бўлиб, бу кўрсаткич 2030 йилга бориб яна 11 фоизга кўпайиши тахмин қилинмоқда.

Дунёда ўттиз олти миллион киши гиёҳвандлик моддаларни қабул қилиши натижасида саломатлиги билан боғлиқ муаммолардан азият чекмоқда. Жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг эса қарийб 60 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келяпти. Ушбу ҳолатлар ўзининг ижтимоий ҳавфлилиги билан ҳам доимий эътибор қаратишни тақозо этадиган масалалардир.

Дарҳақиқат, гиёҳвандликка қарамлик аҳолининг меҳнатга қўйилган қисmini зарарлаши, уларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги ва унга кетадиган сарф-ха-



ражатларнинг катталиги, мамлакатнинг демографик ҳолатига таъсир қилиш орқали, биринчидан, иқтисодий тараққиётга, иккинчидан, аҳолининг соғлом, бехавотир турмуш кечиришига ҳавф туғдириши билан миллий юксалиш ва барқарорликка ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аҳоли орасида психотроп ва гиёҳвандлик моддаларига қарамлиқнинг профилактикаси ва ундан дavoланиш самарадорлигини ошириш, бундай моддалар ноқонуний айланишининг олдини олиш ва барҳам бериш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни davoлаш тўғрисида»ги, «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп мод-

далар тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, мутасадди органлар, вазирликлар, ташкилотлар томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Божхона қўмитаси маълумотига кўра республикаимиз божхоначилари томонидан 2023 йил ҳамда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аниқланган 596 та қонунбузулиш ҳолатида умумий оғирлиги салкам 9,5 тонна гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний олиб ўтилиши ва ички ҳудуддаги айланмасига ўз вақтида чек қўйилган.

Икки ишлар вазирлиги маълумотига кўра гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни ош микдорда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташкил этиш жўнатиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар 2023 йилда 1027 ҳолатда рўйхатга олинган бўлиб 2022 йилгидега (863 ҳолат) нисбатан 164 ҳолат кўп аниқланган.

2023 йил давомида гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчи 101 нафар, психотроп дори воситаларни истеъмол қилган ружу қўйган 4 нафар фуқаро вафоти қайд этилган. Ушбу рақамларнинг ўзиёёқ ҳар биримизни бу борада сергак ва ҳушёр бўлишга ундайди.

Қисқаси, ушбу ҳавф глобал тўш олган. Мактабларни гиёҳвандлик воситаларидан асраш бўйича етарлича халқро таърибга ҳам тўпаланган. Ушбу иллатнинг тарқалишидан азият чеккан ривожланган мамлакатларда ҳозирги пайтда ўқув

Бугун — Ўзбекистон халқ шоири
Зулфия таваллуд топган кун

АДАБИЁТ ЧАМАНИНИНГ МАНГУ ЧЕЧАГИ



Зулфия ўзининг бетакрор шеърияти билан ўзбек аёли қалбидаги қувонч, юртга муҳаббат туйғуларини гўзал мисраларда тараннум этган ижодкордир. У ниҳоятда мураккаб ва долғали ҳаётни бошдан кечирганига қарамай ижодда, адабиётда ўз сўзини айта олди. Латиф ижоди билан миллионлаб кишилар қалбига эзгулик, муҳаббат ва садоқат уруғларини сепди. Дарвоқе, Зулфия нафақат бадиий ижоди билан, айна пайтда ўзбек аёлига хос вафо ва садоқат тимсоли сифатида ҳам халқимиз меҳрини қозонган.

Хар баҳор кириб келиши билан беихтиёр ҳаёлимизда ҳассос шоиранинг битиклари — оташин севги ва меҳр, юксак инсоний фазилатлар балқиб турувчи сатрлари жонланади: “Салқин саҳарларда, бодом гулида, Бинафша лабида, ерларда баҳор...”

Зулфия ва баҳор бир-бирига боглиқдай, гўё хар гал баҳорни айнан у бошлаб келадиганга ўхшайди. Шоирнинг ёниқ шеърлари ўқилар, юракларга кириб борар экан, адабиёт чамани ҳам завоқ билмай, сўлмай яшайверади.

Зулфия,
Ўзбекистон халқ шоири.

Соғиниб...

Шу кунларда баҳорга зорман,
Навжувонлик ўти танда йўқ.
Куз сингари зағфар рухсорман,
Мевалар ҳам шохлардан узук.

Шу кунларда баҳорга зорман,
Танхасталик эади руҳим.
Танҳо эмас, қаторда борман,
Яна нени излайди суқим?

Шу кунларда баҳорга зорман,
Шаффоф, ёрқин куй тилар кўнгул.
Яхшиямки, қаламга ёрман,
Сўзлаб турар бор дилимни ул.

Шу кунларда баҳорга зорман,
Ўз баҳорим каби бемисол.
Баҳор қайтмас, ёнучи қорман,
Ё нўноқ қўл бутаган ниҳол...

Шу кунларда баҳорга зорман...



«ЎЗМИЛЛИЙБАНК»:

ТАШАББУС ВА ИЛҒОР ТАКЛИФЛАРНИ ДОИМ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Агар ҳар бир сўм мақсадли ишлатилса, тўкинлик ва қут-баракага юзланамиз. Худди шундай, банклар кредитларидан мақсадли фойдаланиб, ўзига ҳам, элу юртга ҳам наф келтираётган ишбилармонлар сафи кенгайиб бораётгани фикримизга аниқ мисол бўла олади. Ишнинг кўзини биладиган бизнесменлар билан эса молия муассасалари ҳар доим ҳамкорликка тайёр.

Шу жиҳатдан “Ўзмиллийбанк” АЖ ҳудудларда иқтисодийёт тармоқларини ривожлантириш, янги корхоналар ташкил этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги уй-жойлар қуриш, қўйингки, барча йўналишда эътиборга молик ишларни амалга ошираётгани қувонарли, албатта.

Молия муассасаларида

Яхши гоё — мўл сармоя

Фикримизни аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиб келаётган Андижон шаҳридаги “DOCTOR S PREMIUM” масъулияти чекланган жамиятига қарашли “SEHAT” клиникаси мисолида давом эттирадиган бўлсак, бу жа-



моа “Ўзмиллийбанк” АЖнинг кўмагидан жуда миннатдор. Чунки банк клиниканинг оёққа туришида молиявий жиҳатдан мададкор бўлди. Буни клиника бош шифокори Шавкатбек Анваровнинг гапларидан ҳам англаб олиш қийин эмас.

— Клиникамизда урология, травматология, гинекология, нейрохирургия, стоматология сингари ўндан ортиқ йўналишларда мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилади, — дейди у. — Тўртта жарроҳлик блоккимиз бўлиб, улар Германия, Туркия, Франция давлатларида ишлаб чиқарилган энг замонавий, илғор аппарат ва ускуналар билан жиҳозланган. “Ўзмиллийбанк” АЖнинг молиявий кўмаги билан харид қилинган ўшбу аппаратлар жарроҳлик амалиётини тез, сифатли ва ишончли амалга ошириш, аниқ лаборатория таҳлилларини олиш имконини беради. Жорий йилда янги йўналишларда иш ташкил этиш режаларимиз бор. Аминанки, ана шу лойиҳаларни йўлга қўйишда ҳам ишончли ҳамкоримиз — “Ўзмиллийбанк” АЖнинг молиявий кўмагига таянамиз.

Айнан “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан Андижон вилоятида ташкил қилинган пресс-турда журналистлар мазкур клиника фаолияти билан ақидан танишдилар, шифокорлар билан очиқ мулоқот ва суҳбатлар олиб борилди. Учрашувда шу нарса аён бўлдики, банк маблағларидан тўғри, ўрнида ва мақсадли фойдаланилса, албатта, барча соҳада улкан ютуқларни қўлга киритиш мумкин. Мазкур клиникада аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, касалликларни эрта аниқлаш, аниқ таъхис қўйиш ва даволаш йўналишида умумий қиймати 3 млрд. 900 млн. сўм бўлган лойиҳа амалга оширилди. Айтиш жоизки, зарур тиббий жиҳоз ва ускуналарни харид қилишда “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан 1 млрд. 900 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Натижада бу шифо маскани энг мураккаб операциялар ҳам ўтказиладиган ишончли ва замонавий клиникага айланди. Мазкур истиқболли лойиҳанинг иккинчи босқичини амалга оширишда банк билан ҳамкорлик давом этмоқда. Айна вақтда клиникада 60 нафардан зиёд кишилар доимий иш ўрнига эга бўлди.

Билим бор жойда муваффақият бор

“Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар” деганларидек, мамлакатимизда илмга, маърифатга катта эътибор қаратишмоқда. Айниқса, униёв-усиб келатётган навқирон авлодни зеҳни ўқитиш ва заковатли қилиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган ислохотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Бу ислохотлар кенг қулоқ ёйишида банкнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Масалан, “Ўзмиллийбанк” АЖ Андижондаги нодавлат таълим муассасасини молиявий қўллаб-қувватлаб, ёшларнинг илм олиши ва салоҳият-ли кадрлар бўлиб етишишига пухта замин яратди.

OAB вакиллари Андижон шаҳридаги “STEM SCHOOL” нодавлат таълим муассасаси фаолияти билан ақидан танишиб, бу ердаги замон билан ҳамнафаслик ва қулай имкониятларни юқори баҳолади.

— Муассасамиз бундан икки йил бурун фаолиятини бошлаган бўлса-да, бизда ўқишни истовчи йигит-қизларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда,

— дейди тадбиркор Абдурашул Исмоилов. — Ўқувчиларнинг жаҳон таълим стандарти талаблари асосида таъхис олиши учун замонавий қулайликлар яратилган. Масалан, IT йўналиши борасида ўқитиш методикаси ҳақида айтадиган бўлсак, бизда бу фан чуқурлаштирилган ҳолда ўргатилади.

Таълим муассасамизни технологик жиҳозлашда “Ўзмиллийбанк” АЖнинг хизмати ниҳоятда катта. Банк компьютер ҳамламалари сотиб олишимизда ва уни монтаж қилишда яқиндан ёрдам берди. Банк томонидан ажратилган 2 млрд. сўм кредит эвазига синфхоналаримиз замонавий стол-стуллар, доскалар билан жиҳозланди, махсус хоналар ташкил этилиб, 60 дан зиёд замонавий компьютерлар харид қилинди.

Бундан ташқари, ахборот-ресурс маркази фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур марказ ҳам қўллаб-қувватлаб келмоқда, умуман, биз банк хизматидан жуда мамнунмиз.

Эътиборлиси, мазкур нодавлат таълим муассасаси ишга тушган, 21 нафар малакали мутахассис доимий иш ўрнига эга бўлди.

Гастрономик туризм ривожни йўлида

Андижон нафақат ҳушманзара табиати, бетакрор урф-одатлари билан, балки мазали таомлари билан ҳам дунёга машхур. Бугунги кунда ҳам шаҳарнинг қўли ширин ошпазлари андижонча ош, уйғурча лағмон, сомсаю мантилар билан маҳаллий аҳолидан тортиб хориқлик сайёҳларни-да лол қолдириб келмоқда.



Эътиборлиси, кейинги йилларда Андижонга сайёҳлар оқимининг кўпайиши ҳисобига гастрономик туризм ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Айниқса, бошқа миллат таомларини ҳам тайёрлаш одатий тус олаётгани тахсинга сазовор.

Бугунги кунда вилоятда гастрономик туризм йўналишининг гуркураб ривожланишида “Ўзмиллийбанк” АЖ Андижон вилояти бош бошқармасининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Банк муассасасининг молиявий кўмагида иш бошлаган Андижон шаҳридаги “МЕРНАВА КЕВАВ” ресторани фаолияти бунга аққол мисол бўла олади.

Банк томонидан ажратилган 624 млн. сўм кредит ҳисобига ресторанда, асосан, ўзбек ва турк миллий таомлари тайёрланмоқда. Ўшбу масканда тортиқ қилинаётган турфа хил таомларнинг бетакрор мазаси нафақат андижонликларга, балки бу ерга қадам ранжиди қилаётган сайёҳларга ҳам манзур бўлаётир. Ресторан жамоаси банкнинг молиявий кўмагида тўлақонли фаолият олиб бориб, таомлар турини кўпайтираётгани, пировардда яхшигина



Реклама

даромад келатганини OAB вакиллари мамнуният билан сўзлаб бердилар.

Айни кунда ўшбу мажмуада 10 нафар маҳаллий йигит-қиз доимий иш билан банд бўлиб, келгусида рестораннинг кенгайиши ҳисобига янги иш ўринлари очиш мўлжалланаяпти.

IT академияси фаолияти йўлга қўйилди

Рақамли технологиялар даврига қадам қўйдиқ. Рости, бугун бу каби технологиялар кириб бормаган хонадон йўқ ҳисоби. Бу халқимиз турмуш даражасини энгиллаштириш билан бирга замонавий фикрлашга, ақл-идроқ ва тафаккурни ривожлантиришга ундайди.

OAB вакиллари Андижон шаҳридаги “ROBOCODE” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам танишар экан, ёш йигит-қизларнинг IT соҳасида мукамал билим ва салоҳиятга эга бўлаётганидан қониқиш ҳосил қилди.

Эътиборли жиҳати, бу ерда банкнинг 600 млн. сўм миқдордаги молиявий кўмаги орқали IT академияси фаолияти йўлга қўйилган. Юзлаб йигит-қизлар IT соҳасида ўз билим ва иқтидорини юксалтираётган ўшбу масканда ўндан зиёд етук мутахассислар доимий иш билан банд этилган.

— Лойиҳанинг умумий қиймати 2 миллиард сўмдан зиёд бўлиб, шундан 600 миллион сўми банкдан олинган кредитдир, — дейди тадбиркор Абдулазиз Ёқубов. — Бу молиявий мадад ўқув марказимиз учун зарур жиҳозларни харид қилишда жуда қўл келди.

Хозирги кунда икки қаватли ўқув биномизда ўқувчилар ҳам назарий, ҳам амалий дарс машғулотларида ахборот технологиялари бўйича билим олмоқда. Келгусида банк билан ҳамкорликда мазкур йўналишда бошқа ҳудудларда ҳам марказлар очиб, фаолиятимизни янада кенгайтирмоқчимиз.

Боғчага талаб ниҳоятда катта эди

Пресс-турнинг иккинчи кунда банкнинг молиявий кўмагида Андижон вилоятида сервис соҳасида амалга оширилган янги лойиҳалар билан танишилди. Жумладан, вилоятнинг Избоскан туманида янгидан барпо этилган, 120 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муассасаси 2023 йилнинг сентябрь ойида иш фаолиятини бошлаган. Умумий лойиҳа қиймати 5 млрд. сўм бўлган ўшбу муассасани жиҳозлаш мақсадида тадбиркор банкнинг молиявий кўмагидан унумли фойдаланди.

— Аслида ҳам бу ҳудудда боғчага бўлган талаб ниҳоятда катта эди, — дейди тадбиркор Дилобар Жабборов. — Шу боис таълим соҳасидаги кўп йиллик тажрибамдан фойдаланиб, мактабгача таълим муассасаси очишга қарор қилдим. Махсус лойиҳа асосида замонавий боғчини қурдик ва “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан ажратилган имтиёзли кредит асосида уни жиҳозладик. Ҳозир 120 нафар болага 8 нафар тарбиячи рус ва ўзбек тилларида таълим беради. Гимнастика, инглиз тили тўғрисида ҳамда логопед-психолог мутахассисимиз болажонлар билан алоҳида шуғулланади.

Дилобар Жабборованинг мақсадлари факат шу эмас. Яқин йилларда хусусий мактаб очиш истагида эканлигини ва бу борада банк билан ҳамкорлик қилиш таклифини ҳам билдирди.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун “Ўзмиллийбанк” АЖ наинки ўз миҳозлари талаб-истакларини рўёбга чиқариш учун, балки мамлакатимизнинг иқтисодий юксалиши ва равақ топиши учун ҳам ўзини масъул деб билади. Энг муҳими, янги ташаббус ва илғор таклифларни ҳар доим молиявий қўллаб-қувватлайди.

Хизматлар лицензияланган.

Хозирги кунда вилоят иқтисодий кўрсаткичларида хизматлар соҳасининг улуши ҳар қачонгидан ортиб бормоқда. Хусусан, 2022 йилда аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 5,95 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йил якуни билан 109,0 фоиз ўсишга эришилди, кўрсаткич 6,49 млн. сўмга етказилди. Бу натижалар Асака туманида 2022 йилда 4,24 млн. сўм бўлди ва 2023 йил якунида 106,8 фоиз ўсиш қайд этилиб, кўрсаткич 4,52 млн. сўмга етказилди.

Дахлдорлик ҳисси билан юрт равнақи сари

Пресс-тур иштирокчиларининг сўнгги манзили — “Ўзмиллийбанк” АЖнинг Асака банк хизматлари маркази бўлди. Ўшбу марказ 1998 йилнинг январь ойида ташкил этилган



бўлиб, хозирги кунда 32 нафар профессионал мутахассис миҳозларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Асака банк хизматлари маркази томонидан жами 50,1 мингта миҳозга хизмат кўрсатилса, шундан 48,3 мингтаси жисмоний шахслар ва 1,8 мингтаси юридик шахслар ҳисобланади. Жисмоний шахсларнинг жами депозит қўйилмалари 8,8 млрд. сўмни ташкил этади. Тўлов пластик карточкалари-дан фойдаланишда қўлайликлар яратиш мақсадида жойларда 2 та банкомат, 182 та савдо терминали ўрнатилган.

Асака банк хизматлари маркази томонидан ўтган йил давомида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларида 84,1 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Бунинг натижа-сида 70 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Фуқароларнинг яшаш шароитларини яхши-лаш, уй-жой билан таъминлаш учун давлат дастурлари доирасида ҳамда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан бирламчи ва иккилам-чи бозордан уй-жой харид қилишга 140 нафардан зиёд фуқароларга 42 млрд. сўмдан ортиқ ипотека кредитлари ажратилиб, айни пайтда шунча оила янги уйли бўлди.

530 дан ортиқ жисмоний шахсларнинг ма-иший эҳтиёжлари учун, жумладан, авто-транспорт воситаси сотиб олиш, уй-жойла-рини таъмирлаш, тўй ва бошқа оилавий ма-росимларни ўтказиш, таълим олиш харажат-ларини қоплаш учун 14,4 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Бугунги кунда “Ўзмиллийбанк” АЖ Анди-жон вилояти бош бошқармаси таркибида учта банк хизмати маркази (Андижон амалиёт БХМ, Асака БХМ, Марҳамат БХМ), 4 та банк хизматлари офиси (Шахрихон БХО, Пахтабод БХО, Избоскан БХО ва Қўрғонте-па БХО) мавжуд.

Бундан ташқари, аҳолига валюта ама-лиётларида қўлайликлар яратиш мақсади-да вилоят ҳудудида банк хизматлари мар-казига тегишли 21 та валюта айирбошлаш шохобчаси ва 24/7 режимида хизмат кўрсатувчи учта автоматлаштирилган ва-люта айирбошлаш шохобчаси (банкомат) хизмат кўрсатмоқда.

Ф. ХУДОЙБЕРДИЕВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 18 433 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатги маълумотларини қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



Тахририятга келган қўлёзмалар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жаавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41.

ЎЗА якуни — 01.35

Топширилди — 03.20

1 2 3 4 5 6